БУГУНГИ СОНДА

- Энергетикларимиз байрами.
- Янги ислоҳат амалда
- Қўқонлик шоир
- Бир умр унутилмайди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши
22 ДЕКАБРЬ 1967 й
ЖУМА
№ 297 (452)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қимматли ўртоқлар!

Шонли юбилей—совет давлат хавфсизлиги органларининг 50 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети сизларни қутлайдилар ва самимий табриклайдилар.

В. И. Ленининг таклифи билан ярим аср аввал контрреволюция ва саботажга қарши кураш мақсадида барпо қилинган Бутун Россия Фавкулодда Комиссияси совет давлати қўлида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилувчи ўткир қуролга айланди. Эндиликда давлат хавфсизлиги органлари ВЧКнинг шонли традицияларини давом эттирмоқда.

Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган ва чиниқтирган давлат хавфсизлиги органларининг ходимлари партиянинг бевосита, кундалик раҳбарлиги остида совет халқига садоқат билан хизмат қилмоқдалар, совет давлатининг душманларига қарши, империализм разведкаларининг иғвогарликларига қарши куч-қувватлари ва жонларини аямай кураш олиб бормоқдалар.

Империализм СССРга ва қардош социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишларини кенгайтираётган ҳозирги вақтда совет давлат хавфсизлиги органлари империализм давлатларининг қўпорувчилик ҳаракатларига қарши қатъий кураш олиб боришга, империализмнинг давлатлар разведкаларининг душманлик фаолиятига зарба бериб, совет армияси ва ҳарбий денгиз флоти жангчилари билан бирга коммунизм қураётган совет кишиларининг тинч меҳнатини пухта қўриқлашга даъват этилганлар.

Коммунистик партиянинг давлат хавфсизлиги органларига кундалик раҳбарлиги, давлат хавфсизлиги органларининг халқ билан узвий алоқаси, социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилиш, революцион ҳушёрликни кучайтириб, чекистлар маҳоратини такомиллаштириш мана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг энг зарур шартларидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, Коммунистик партия ва совет халқига чексиз содиқ бўлган давлат хавфсизлиги органларининг ходимлари улуғ ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш ишига бундан буён ҳам куч-қувватлари, билимлари ва қобилиятларини сарфлай берадилар.

Азиз ўртоқлар, сизнинг машаққатли, масъулиятли ва олижаноб ишингизга сизга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат хавфсизлиги посбонлигида турган совет чекистларига шон-шарафлар бўлсин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Бугунги янгиликлар

ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАР

«Узбекхлопкомаш» заводи пахта тозалайдиган, ишлов берадиган машиналардан 10 хилини етказиб бермоқда. Корхона азаматлари ҳозир «ПМП-160» маркали машиналар, «2ХДДМ», «СС-15А» маркали машиналар тайёрлаш йиллик планини ортиғи билан бажариб қўйишди.

Пахтани машиналарга ортишда қўлланиладиган 18 метрли транспортёрдан бу йил 1590 та ишлаб чиқариш керак эди. Бугунгача уларнинг 150 таси тайёр бўлди. Йил охиригача пландан ташқари 24 та транспортёр чиқарилади.

Машиналарнинг барча тури бўйича 3473 та ишлаб чиқарилиши керак. Завод ишчи ва хизматчилари планга, қўшимча равишда 36 та машина тайёрлашга аҳд қилишган. Мажбуриятни амалга оширишда йиғувчи слесарлардан Р. Мухаммаджонов, Э. Турсунов, пардозловчи Т. Игумнов, токарь Г. Альтуховлар айниқса жонбозлик кўрсатишмоқда.

АГРОНОМЛАР КЕНГАШИ

Бугун Тошкентда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг мажлислар залида республика агрономларининг икки кунлик кенгаши бошланди. Бу кенгаш қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қиришда янги химиявий моддалар ва техникадан фойдаланиш масалаларига бағишланган.

Кенгашда турли хўжаликлар, колхоз ва совхозлар, тажриба станцияларининг бош агрономлари, раҳбарлари қатнашмоқдалар. Улар олимларнинг қатор лекцияларини тинглайдилар.

АДАБИЙ КЕЧА

Киров районидаги Орджоникидзе номли 20-мактабда Алишер Навоий юбилейига бағишланган «Сенинг 525 йиллигинг» деган темада адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Инобат Расулева раҳбарлик и д а 9-10 синф ўқувчилари тайёрлашган. Кечада адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар ҳам қатнашишди.

Саҳна очилганда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ўспиринлик чоғини акс эттирган учрашув бўлди. Саҳнада Навоий устози Жомийга шеърларидан ўқиб беради.

Шундан сўнг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад бўлди. Доклад тугагач, 9-10 синф ўқувчиларидан А. Шоумаров, Д. Ҳамидхўжаева, В. Афзалов ҳамда М. Қориева Навоий газалларидан намуналар ўқидилар.




Сиз суратда кўриб турган йигит бульдозерчи Александр Кучеров. У «Главташкентстрой»нинг 7-механизация бошқармасида кунлик ва ойлик топшириқларини 1,5 ҳиссадан адо этяпти.

МИЛЛИОНЕР КЕЛАЖАККА ОДИМЛАЙДИ

● *Бугун энергетиклар куни*

- 1966 ЙИЛДА 960 МИНГ. 1970 ЙИЛДА 1 МИЛЛИОН 920 МИНГ КИЛОВАТТ-СОАТ.
- БЕШ ЙИЛЛИК—11 ОЙДА.
- ИССИҚЛИК ВА ЕРУҒЛИК
- РЕСПУБЛИКАДАГИ ЭНГ ЙИРИК НУРХОНА
- ИХТИРОЧИЛАР ОЛТИН МЕДАЛИ
- ТЕЖАЛГАН ҚУВВАТГА БИР ЗАВОД 6 ЙИЛ ИШЛАЙДИ.



1939 йилда биринчи қувват бера бошлаган Тошкент иссиқлик-электр маркази, шаҳар саноати ва хўжалигини электр қуввати билан таъминлашда муҳим роль ўйнади. Станция бугунгача беш миллиард киловатт соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқарди. Шахримиздаги бу энергетика корхонасининг коллективи катта ютуқларни қўлга киритди. Бир киловатт соат электр қувватининг таннархи ҳозир 1940 йилдагига нисбатан уч марта камайди. Корхона коллективи 1967 йилнинг 11 ойи давомида 1038,7 тонна шартли ёқилғини тежади. Ҳозир корхона энергетиклари йиллик топшириқни бажариш арафасида турибдилар.

СУРАТДА: станциянинг марказий бошқарув пультида (чапдан ўнгга) смена бошлиғи А. Хренова, навбатчи В. Баловнова ва навбатчи инженер Н. Таран ўртоқлар навбатчилик қилмоқдалар.

Қариялар энг яхши тилак билдирганда «чироғинг ҳамиша ёниб турсин» дейдилар. Зотан ёруғлик бор ерда ҳаёт бўлади.

Биз энергетиклар одамлар хонадонига ёруғлик ва иссиқлик олиб кираётганлигимиз билан ўзимизни ниҳоятда бахтли ҳисоблаймиз. Бу чароғбонликни биринчи бор бизнинг хонадонларимизга В. И. Ленин олиб кирган. Ўша вақтда Россиянинг тўнғич электр станцияси Волхов дарёсида қурилган эди. Ана шу биринчи электр станцияни очиш маросимига келган Владимир Ильич: «Коммунизм Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш д и р» деб башорат қилган эди. В. И. Ленин ишлаб чиққан ГОЭЛРО плани амалга оширилди, бутун мамлакат Ильич нурларидан нурафшон бўлди. Ильич кўрсатмаларини амалга ошираборий Коммунистик партия ва ҳукуматимиз 1961 йилда Тошкент давлат район электр станция я с и ТашГРЭСни қуришга қарор қилди. ГРЭСнинг биринчи блоки 1963 йилга келиб соатига 160 минг киловатт қувват берадиган бўлди. Кейинчалик биринкетин 2,3-блоклар ишга тушди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида ТашГРЭС нинг етинчи блоки фойдаланишга топширилди. Бу билан пойтахт нурхонасининг қуввати соатига 1 миллион 120 минг киловаттга етди ва Ўзбекистондаги энг йирик нур ва иссиқлик маркази бўлиб қолди. Биз ишлаб чиқараётган электр энергияси Ангрен ГРЭСининг энергиясига қараганда давлатга икки баробар арзонга тушмоқда.

Коллективимиз Туркманистоннинг Байрамали, республикамизнинг Навоий энергетиклари билан ўзаро дўстона мусобақалашиб келмоқда. Кейинги йилларда яна ҳам авж олган социалистик мусобақа меҳнат ва ҳаётга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Биз ишдаги ютуқ ва камчиликларимизни, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги муваффақиятларимиз н з н и доим баҳам кўрамиз.

Бир мисол: тажрибакор ихтирочиларимиздан А. Панов, М. Вознецов, С. Зорин, И. Воскресенский ўртоқлар ремонтчилар участкаси билан ҳамкорликда ГРЭСимизнинг бир соатлик қувватини ошириш, блокларидаги насосларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлаш соҳасида ажойиб таклиф киритдилар. Ишлаб чиқаришга жорий қилинган бу таклиф ГРЭСнинг қувватини соатига 40 минг киловатт оширди. Бу билан блокларидаги ҳар бир циркуляр насослар ремонти учун кетадиган 16-20 минг сўмлик маблағни иқтисод қилиб қолиш имконияти туғилди. Бу таклифлар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг III даражали дипломи билан тақдирланди ва ихтирочиларимиздан уч киши виставканинг олтин медали билан мукофотланди.

Биз бу ҳақда мусобақадош дўстларимизга хабар бердик. Улар одам юбориб, янги тажрибамизни ўрганиб кетишди.

Беш йилликнинг иккинчи йили 11 ойлик плани оширилиб адо этилди. **Ўн бир ойда пландан ташқари 50 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.** Қўшимча ишлаб чиқарилган **ана шу электр энергияси ҳисобига пойтахтдаги Охунбобоев номли пахта тозалаш заводи 6 йил бемалол ишлаши мумкин.**

Шунингдек, 1193 тонна шартли ёқилғи ҳам тежаб қолинди. Ўз эҳтиёжларимиз учун 6,5 миллион киловатт соатга яқин электр энергияси тежаб қолдик. Ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган 105 ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларидан кўрган фойдамиз 138 минг сўмни ташкил қилди. Меҳнат унумдорлиги эса ўтган ойларда 1,7 процент ошди.

Бу рақамлар ижодий меҳнатнинг, ишчиларимиз ақл-заковати, қалб қўрининг самараларидир. Корхонамиз коллективи смена бошлиғи З. Есипов, блок машинистлари Ю. Муслимов, Х. Қосимов, темирчи Н. Акимкин, инженер-алоқачи В. Харьков, мастер В. Кравцев, созлаш цехининг бошлиғи В. Мелесиянц каби меҳнат пешқадамлари билан ҳақли равишда фахрланади. Эришган ютуқларимизда бу илғорларнинг салмоқдор ҳиссаси бор.

Москва электромеханика заводи ва Ленинграддаги «Светлана» бирлашмаси коллективининг ташаббусига яқдиллик билан қўшилиб, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун корхонамиз цех, участкаларида социалистик мусобақа қизғин тус олдирилди.

Беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариб, 125 миллион киловатт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарамиз. **Беш йилликка мўлжалланган социалистик мажбуриятда пойтахт областининг барча** энергетиклари 50 миллион киловатт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Биргина корхонамиз коллективи эса ана шу илғор кўрсаткичга шу йилнинг ўн бир ойи ичидаёқ эришди.

Корхонанинг беш йиллик планида тўққиз минг тонна шартли ёқилғи, ўз эҳтиёжларимиз учун 20 миллион киловатт соат электр қуввати иқтисод қилиш кўзда тутилади. Меҳнат унумдорлигининг 1,8 процент ўсишига эришилади. 1970 йилгача 400 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларидан ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 350 минг сўм фойда олинади.

Ҳозирда ГРЭС саккизинчи блокининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилляпти. 1968 йилда ишга тушадиган бу блок соатига 160 минг киловатт электр энергияси беради. Беш йиллигининг охирига келиб эса 12-блок қуввати бера бошлайди. **Пойтахт нурхонасининг бир соатда берадиган қуввати эса 1 миллион 920 минг киловаттни ташкил этади. Бу 1966 йилги кўрсаткичга қараганда икки баробар ўсиш демакдир.**

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан қабул қилган қарори кундалик меҳнатимиз компоси бўлиб қолди. Бу қарордан илҳомланган корхонамиз меҳнаткашлари юксак мажбуриятни бажариш иштиёқида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётир. Биз электрикларнинг бутун фикр-зикримиз, куч-ғайратимиз ҳозирда беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этишга, халқимизга кўплаб иссиқлик ва ёруғлик етказиб беришга қаратилгандир.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,
ТашГРЭС директори.
Р. МИРАҲМЕДОВ,
бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Х. ҚОСИМОВ,
машинист, коммунистик меҳнат зарбдори.
В. ПОГУДИН,
машинист, касаба союз комитетининг раиси.
Х. ЭСОНБОЕВ,
бош монтёр, коммунистик меҳнат зарбдори.
С. ПАНОВ,
бош инженер.
Р. ЖАМОЛОВ,
комсомол комитетининг секретари.



Иссиқлик электр маркази ветеран ишчиларидан навбатчи электрмонтёрлар Абдураҳмон Маннонов ва Петр Пронин ўртоқлар марказ ташкил этилган кундан буён ишлаб келмоқдалар.

СУРАТДА: А. Маннонов ва П. Пронин ўртоқлар иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

БИР САФДА

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати меҳнаткашлари коммунизм қурувчилар билан бир сафда меҳнат қилмоқдалар. Комбинатнинг ишчи ва хизматчилари беш йиллигининг 2 йилида 2 миллион 114,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан анча илгари бажариб қўйишган эди. Кўзи ожизлар ўзларига кўрсатилаётган катта ғамхўрликларга жавобан йил охирига қадар 90 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қатъий бел боғлашди.

Кўрлар жамиятининг босмахонаси йиллик планни муддатидан салкам икки ой илгари адо этган эди. Босмахона коллективи янги йилга қадар тағин юз минг сўмлик маҳсулот бериш ва беш йиллик план топшириқларини илғор корхоналар қаторида 1970 йилнинг 7 ноябригача шараф билан бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

Бу босмахона ишчилари шу кеча-кундузда 1968 йил ҳисобига ишлаяптилар. ◆

Сув ва ҳаёт

Пойтахтимизда кун сайин янги уй-жойлар фойдаланишга топширилляпти. Аҳоли сони тобора ошяпти.

Янги массивларни обиҳаёт билан таъминлаш, ҳар бир хонадонда кранлардан булоқ очиб қўйиш осон иш эмас. Шаҳар водопровод ва канализация трести меҳнатчилари ичимлик сув проблемасини муваффақият билан ҳал қиляптилар. Трест йиллик топшириқни бундан бир ярим ой аввал бажариб қўйган эди. Обҳаёт келтирувчилар йил охирига ҳам барча тармоқларда ҳаётбахш сувни етарли қилиш ва белгиланганидан ташқари 250 минг куб метр ичимлик сув етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

БАЙРАМ БУЮРТМАЛАРИ

Бугун пойтахт ошхоналари ва ресторанлари Янги йил зиёфатига буюртма қабул қила бошладилар. Биринчи бўлиб Киев қурилиш-монтаж поездининг устакорларидан талаб тушди. Қурувчилар янги йилни катта дастурхон атрофида кутиб олишади.

Янги йил кечасида кўпгина ошхона ва ресторанлар қардош қурувчиларга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари турли муассаса ва корхоналардан буюртмалар қабул қилинади.

«Гулистон», «Тошкент», «Баҳор», «Россия», «Октябрь», «Шарқ» ресторанлари ва айрим кафелар 31 декабрдан 1 январь тонг отгунгача ишлайди.

30 декабрь куни пойтахтнинг қўғирчоқ театри майдони жуда ҳам гавжум бўлади. Бу ерда шаҳар пазандачилик ярмаркаси очилади. Ярмаркада турли-туман тайёр таомлар ва масалаликларни ҳарид қилиш мумкин.

1 январь куни маиший хизмат яхши ташкил қилинади. Шаҳарнинг Охунбобоев, Комсомол, Калинин, Ленин, Куйбишев, Навоий, Вокзал майдонларида, Чилонзор, Янгиобод, Бешқайрағоч массивларида овқатланиш бозорчалари ташкил этилади.

САЛОМАТЛИК ДАРГОҲИ

Қорақамиш массивининг «Чимбой» участкаси ўзининг хушҳавоси, ширин-шакар мевазорлари билан ҳамманн ўзига ром қилар эди. Эндиликда эса бу жой шифохоналар масканига айланиб қолди. Ҳозир бу ерда кўз касалликларн диспансери. болалар санаторийси, ортопедия, травмотология институти пойтахт аҳолисига хизмат қилмоқда.

Кункеча эса бу ерда яна бир шифохона очилди. Бу 14-шаҳар поликлиникаси бўлиб. кўз касалликлари диспансери. ёнидаги муҳташам бинонинг биринчи қаватида жойлашгандир. Поликлиника 36 минг кишига хизмат қиладн. Булардан кўпчилигини студентлар ташкил этади. Шифохонамизда конг. профилли кабинетлар бўлиб. яна улардан ташқари, физиотерапея тиш ва рентген кабинетлари мавжуд.

Поликлиникамизга келиб. беморлар ўз дардларига шифо топиб. бизга раҳмат айтишса биз барча қулайликларга эга бўлган поликлиникани қуриб берган навоийлик бинокорларга раҳмат айтамиз.

О. ҲАЛИЛОВ,
Поликлиника бош врачи

50 МИНГ БОЛА ҚУВОНЧИ

Мана, иккинчи чоран ҳам тугаб бормоқда. Ўқувчилар бутун борлиқлари билан мутолаага берилишган. Улар бу чоракни яхши ва аъло баҳолар билан тугатиш иштиёқидалар. Шундан кейин каникулга чиқишади-да...

Ўқувчиларнинг қувноқ яхши дам олишлари учун кино-театрлар, музейлар, клублар хизматида бўлади. Бугун байрамга атаб В. И. Ленин номли республика пионерлар саройида катта тайёргарлик бошлаб юборилди.

Саройнинг минглаб болалари тайёрлаётган томошалар пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт залида намойиш қилинади. Уртага ўрнатиладиган улкан арчанинг салобати биллурдек товланиб туради. Эшитилиб турган оҳанрабо музика садолари ҳаммани рақсга чорлайди. Шу вақтда бир давра қизлар 15 республика миллий рақсларини ижро эта бошлайдилар.

Томоша давомида, тўлқи, айиқ, қуён, қиёфасида ниқоб кийган болалар эртаклардан парчалар ижро этишади. Уларнинг даврасига «Қорбобо», «Қорқиз» қўшилади. Бир ярим соат давом этадиган дўстлик сценарийси тантанавор музика билан тугайди.

Булардан ташқари пойтахт мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун «Ёшлик» деб аталган базмлар ўтказилади.

Саёҳатчи болалар эса, Чимён тоғининг қучоқларига йўл олишади. У ерда оппоқ қор устида, мусаффо ҳавода арча байрамлари авжига чиқади.

О. ЭШМАТОВА.

ҚОРБОБО ЭШИК ҚОҚАДИ

Янги йил ҳам яқинлашиб қолди. Унга пешвоз чиқишимизга саноқли кунлар бор. Минглаб тошкентлик болалар қишки каникул кунларида Пионерлар саройи ва Маданият уйларида шоду-хуррамлик қиладилар. Шаҳар Арча байрамида қатнашадилар.

Агар кичкинтойингиз «ҳақиқий» Қорбобони кўрмоқчи бўлса, ҳозирданоқ ҳозирлик кўринг.

Бунинг учун ота-оналар «Хайрли хизмат» бюросига мурожаат қилишлари керак. «Шарқ» комбинатининг бу бюроси Глинка кўчасидаги 5-уйга жойлашган. 52-3-49 номерли телефон орқали ҳам қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Қорбобо ва Қорқиз уйингизга байрам совғаларини элтиб беришади.

Қорбоболар бу йил жуда ҳам кўп бўлишади. Бу борада «Хайрли хизмат» бюросига театр санъати ва рассомчилик институти студентлари ёрдам беришади.

Шундай қилиб, Қорбоболар сизнинг таклифингизни кутади.

● ИСЛОҲОТ АМАЛДА

ЯНГИ СИСТЕМАДА САККИЗ ОЙ

Тошкент сут комбинати 1958 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилганда лойиҳа қувватига кўра бир кеча-кундузда 25 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарар эди. Ҳозирги пайтда комбинатимиз кунига 180 тонна маҳсулот бермоқда.

Маълумки, комбинат Ўзбекистондагина эмас. Ўрта Осиёдаги ана шундай корхоналарнинг энг йириги ҳисобланади. Лойиҳада белгиланган қувватдан 7 марта ўзиб кетилганига қарамай, комбинат ҳамон Тошкент аҳолисининг сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини амалга ошириш тўғрисида белгилаган қарорлар сут маҳсулотларини кўпайтиришнинг ҳам ёқин йўлларини очиб бермоқда. Пойтахтимизда бунга янги сут комбинати қурилишидан ташқари мавжуд комбинат ишини яхшилаш натижасида ҳам эришилади.

Биз планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик ишларини план тузиш, комбинатнинг 1966 йилги молиявий-хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил этиш ва техникавий-ташкилий план тадбирларини белгилаб чиқишдан бошладик. Ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархи, меҳнат ва ишҳақи, маҳсулотларни реализация қилиш ва фойда олиш планларининг бажарилиши асосий шарт ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир бўлим, участка учун қўшимча шартлар ишлаб чиқилган. Уларни бажармаслик мукофотларнинг камайишига (50 процентгача) олиб келади. Мукофотлар манбаи моддий рағбатлантириш фонди ҳисобланади.

Ҳар кварталнинг биринчи ва иккинчи ойи якунида ходимларни мукофотлаш учун корхона моддий рағбатлантириш фондига олинган фойдадан аванс маблағ ўтказиб туради. Бу маблағ ходимларга берилиши лозим бўлган мукофот миқдорини қоплайдиган даражада белгиланган. Ҳар кварталнинг охирги ойи натижалари бўйича мукофотлаш моддий рағбатлантириш фонди имкониятига, комбинатнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтилгандан буён эришилган натижаларга қараб амалга оширилади. Бу мукофот моддий рағбатлантириш фондидаги маблағнинг оз ёки кўплигига қараб ортиши ёки камайиши мумкин.

Янги системада ишлай бошлаганимизга ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Белгиланган тадбирларимиз тўла амалга ошириб бўлинмаганлиги сабабли корхона ишига тўла баҳо бериб бўлмайди. Шундай бўлсада, реформа барча ишлаб чиқариш участкаларининг фаолиятини тубдан яхшилади, завод бошқармаси бўлимлари ишида бурилиш ясади, деб айта оламиз. Бунга қуйидаги фактлар ёрқин далил бўла олади.

Талай вақтдан буён корхонамизда бекор ётган 25,9 минг сўмлик ускуна бошқа корхоналарга ўтказилди. Комбинат учун мутлақо кераксиз бўлган 70,7 минг сўмлик турли қурилишлар, ускуналар бошқа системалардаги ташкилотларга берилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми плани 104,5 процентни, фойда олиш плани 113,1 процентни, асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш планининг бажарилиши 107,3 процентни ташкил қилди.

Янги шароитда ишлаш даврида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқ 1,6 процентга ошириб адо этилди. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланадиган бўлиб қолдик, тўланаётган маҳсулотларнинг миқдори 1,5 баравар қўпайди.

Хўжаликни бошқаришнинг янги усуллари асосида ишлашга кўчилгандан сўнг социалистик мусобақа шартлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Партия ташкилоти ва жамоатчи ташкилотлар ўзларининг бутун эътиборини, маҳоратини мутахассислар, ишчи ва хизматчилар янги хўжалик реформасининг туб маъносини чуқур тушуниб олишларига, янги система давлат учун, корхона учун ва унинг ҳар бир аъзоси учун қанчалик фойдали эканлигини англаб олишларига эришишга қаратдилар. Ҳар бир участка, бригада ва ишчига сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича конкрет топшириқлар етказилди. Хом ашёни, энергияни, асосий ва қўшимча маҳсулотларни тежаб қолиш учун эндиликда ҳар бир ишчи алоҳида қураш олиб бормоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, янги системада ишлаш жараёнида ҳар бир кишининг ғайрати ишлаб чиқаришдан мақсимал манфаат кўришга қаратилган бўлиб, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган салбий томонлар, ташкилий ишлардаги нуқсонлар ўз-ўзидан кўзга ташланади. Бизнинг ишимизга ҳам ана шу соҳадаги икки нуқсон сезиларли даражада тўсқинлик қилмоқда. Бу, аввало, сут ва сут маҳсулотларини марказлаштириб ташишнинг йўқлиги, иккинчидан, савдо ташкилотлари тунда маҳсулотимизни қабул қилмаётганлигидир.

Эрталаб магазинларнинг сотувчилари келгунга қадар сутни флягаларда кўчада қолдиришга тўғри келмоқда. Бу сутнинг сифатига салбий таъсир қилади ва ўз-ўзидан ортиқча ҳаражатлар келиб чиқади.

Комбинатимизнинг ўз транспорти йўқлиги маҳсулотни марказлаштириб ташишни амалга оширишга тўсқинлик қиляпти. Ҳозирги пайтда савдо ташкилотлари Ўзбекистон ССР автомобиль ва тош йўллар министрлигининг автобазаларига залвкалар бериб, машиналар олишади. Транспорт шундан сўнгтина маҳсулотларни юклаш учун бизнинг комбинатимизга жўнатилади. Ҳамма автомашиналар «тартибга кўра» бир мартагина қатнаб, қолган вақтлари бекор туради. Бу иш билан кўплаб экспедиторлар, юкловчилар, шоферлар банд бўлади.

Автомобиль ва тош йўллар министрлиги кўпинча сут маҳсулотларини ташишга бошқа юкларни ташиб кузови ифлосланган машиналарни ажратади. Санитария қоидаларининг бундай қўпол бузилиши сира йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Бундан ташқари савдо министрлиги корхоналарининг талабларини кўра-била қондирмаслик ҳоллари ҳам рўй берялти. Бунинг оқибатида сут маҳсулотларини савдо тармоқларига ва жамоат овқатланиш корхоналарига етказиб бериш графиклари барбод қилинмоқда.

Агар маҳсулотни марказлаштириб ташилса бу нуқсонлар бутунлай тугатилади ва аҳоли сут маҳсулотларини доим ўз вақтида олиб туради.


Бундан ташқари республика Савдо министрлиги ва Тошкент шаҳар савдо бошқармасидан савдо тармоқларида сутни тунда ҳам қабул қилиб олиш масаласини ҳал этишни сўраган эдик.

Ахир нон туннинг қайси пайти бўлишидан қатъий назар, қабул қилиб олинади-ку. Одамлар учун ниҳоятда зарур бўлган сутга нима учун бундай муносабат? Бизнингча, Тошкент шаҳар савдо бошқармаси ва Савдо министрлиги бу ҳақда дурустроқ ўйлаши ва бирор қарорга келиши аллақачон зарур бўлиб қолган.

Коллективимиз йиллик планни аллақачон бажарибқўйиб, 1968 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Биз янги йилга қадар 663 минг сўмлик 3 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Давлатга эса пландан ташқари 200 минг сўмлик жамгарма берамиз.

Комбинат меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини тўрт ярим йилда бажаришга аҳд қилганлар. Ҳозирда барчанинг ғайрат-шижоати ана шу аҳднинг устидан чиқишга сафарбар қилинялти.

Н. МУТАЛОВ,
Тошкент сут комбинатининг директори.



ТОШКЕНТ САВДО МАРКАЗИ

Э. Тўраев фотоси.

● ЮБИЛЯРИМИЗ

ОТАШ ҚАЛБ

Эрталабдан бери ёмғир тинмайди. Археология кабинетига кириб-чиқувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Шу кабинет ходими Надежда Иосифовна Крашенинникова эса буларнинг бирортасини сезмайди. У қандайдир рўйхатга қараб, таклиф қоғозлари ва конвертлар ёзиш билан банд. Ярим соатдан кейин улар мамлакатимизнинг чор бурчагига тарқалади. Ленинград, Самарқанд, Ашхобод, Олмаота ва шу каби йирик шаҳарлардан машҳур археологлар, йирик олимлар катта тўйга таклиф қилинади. Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг бошлиги, тарих фанлари доктори, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор М. Массоннинг юбилейига ана шундай катта тайёргарлик кўрилди.

Ўз фаолиятини Октябрь революциясидан олдин бошлаган бу улкан олимнинг номи билан мамлакатимизнинг кўпгина жойларида амалга оширилган йирик воқеалар чамбарчас боғлиқ. Самарқандда музей ташкил этишда ташаббускор бўлган. Курскда контрреволюционерларнинг бошлиғи полковник Ржевскийни қўлга туширишда асосий роль ўйнаган. Тошкентда эса геология кидирув ишлари бошқармаси қошида Ўрта Осиёда геология фанига тааллуқли энг йирик кутубхонани вужудга келтирган. Бундан ташқари музей фондларини ташкил этган. Ўнлаб илмий ишлар ёзган. Кўпгина тарихий ёдгорликларни тарихий археологик томонидан синчиклаб ўрганган. Ўрта Осиё республикаларидаги 12 та музейнинг ҳар бирига катта ҳисса қўшган. Музейларда у мутахассис — тарихчи сифатидагина эмас, тажрибали музей ходими сифатида катта ишлар қилди.



Ҳозирги кунда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биология факультети бўлимида юбилейга бағишланган илмий конференция ўтказилаётган бир пайтда, бу ажойиб инсон фаннинг турли соҳаларида ниҳоятда кўп ва йирик ишлар қилгани шундайгина аён бўляпти. У ишлаган соҳа, у олган тема ниҳоятда ранг-баранг-дир. Масалан у Ўрта Осиёдаги тоғлар тарихи, география тарихидаги гидрология, шаҳарлар топографиясининг тарихи, фауна ва флора ривожи, Ўрта Осиё маданияти ва яна кўп соҳаларда йирик ишлар қилган.

Михаил Евгеньевич «Янги қурилишларда археология назорати» темасида ишлаб археологик ишнинг янги турини яратди. Масалан, у Катта Фарғона канали иншооти қурилишида қурилишни тезлаштиришда улкан ҳисса қўшди.

М. Е. Массон раҳбарлик қилаётган археология кафедраси ходимлари шу пайтгача ҳеч қачонда ўтилмаган махсус курсни ўтишга муяссар бўлишди. Бу ерда илмий текшириш ишлари ниҳоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, қимматли археологик кабинети вужудга келди.

Юбиляр таъқрибали тарихчи сифатида жуда кўп ёдгорликларни, шарқ ва қадимги тилларда ёзилган қўлёзмаларни қай йўсинда ўрганишни яхши билади.

Ташаббускор новатор бугунги кунда 70 ёшга тўлди. 50 йилдан бери илмий ва педагогик иш билан шуғулланади. Лекин унинг кўри сўнганича йўқ. Ёшлигидаги истак, хоҳиш билан катта илмий ишлар устида ҳамон ишлашда давом этади. Унинг эшиги тарихни севадиган, археологияга меҳр қўйган студент ва аспирантлар, илмий ходимлар учун ҳамиша очиқ.

✦ ✦ ✦

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Ўз-ўзингизни даволаманг

Яқинда «Тез ёрдам» машинаси Тўқимачилик комбинатининг болалар касалхонасига оғир аҳволдаги беш ёшлик бола олиб етказиб келди. Бола тамомила ҳолдан кетган. Бадани қип-қизил, нималардир тошган. Юзи, қўл-оёқлари кўкариб кетган.

— Қандай дори берган эдингиз? — дейди врач Қодиров беморнинг онасига.

— Мен берганим йўқ, ўзи ичиб қўйибди.

Эргашжон заҳарли дорни ичиб қўйган эди. Тезликда заҳарни бадандан чиқариш ва унинг қувватини кесиш керак эди. Болага юракни тиклаш дориларидан укол қилиниб, ошқозон ювилди. Кислород берилди. Терминал машинаси чақирилди. Қон алмаштирилди. 24 соат давомида дори-дармон қилинди. Ниҳоят Эргашжон ўзига келди. Воқеа бундай бўлган. Эргашжоннинг онаси Санобархон қўшниси Каромат опанинг уйида ўтириб, қаттиқ йўталаётганидан шикоят қилади. Каромат опа эри Қаюм аканинг йўталига ичиб юрган дорисини маслаҳат дўстига тутади.

Санобархон дорини олади-ю, бепарволик билан уйининг токчасига ташлайди. Сўнг ўғли Эргашжонни худди тоқча тагида хушдан кетган ярим ўлик ҳолда учратади. Бу дори бионинг бўлиб, заҳарли дорилар таркибига киради. У йўтал, ўпка касалига қарши ишлатилади. Керакли миқдорда ичилса беморга ёрдам беради. Лекин миқдори кўпайса кишини заҳарлаши, ҳатто ҳалокатга олиб бориши мумкин.

Врач беморни кўрганда аввал касалликни аниқлайди. Дори беришда ёши, қуввати, юраги, буйраги, жигар ва талай бошқа аъзолари фаолиятини ҳам назарга олади. Шунга қараб, дорининг миқдори, бериш муддати белгиланади.

Бир хил дори беморнинг бир касалига тўғри келса, худди шу дори иккинчи касалга тамом қарама-қарши бўлиб қолиши мумкин.

Деярли ҳамма дориларнинг озми-кўпми заҳарли таъсири бўлади. Олимлар томонидан ҳар бир дорига белгиланган миқдор бор. Кўрсатилган муддат, касални бартараф қилса, ортиқча миқдори беморга зарар келтириши ҳам мумкин. Шунинг учун врачдан бемаслаҳат дори истеъмол қилиш ва кўринган дорини фойдали, деб билар-билмас истеъмол қилиш катта хато. Санитария техникаси тараққий қилгани сари, касалликларни даволашда янгидан-янги ўткир дорилар ижод қилинмоқда. Айниқса антибиотик ва кимёвий усуллар билан даволаш, ҳозирги замон медицинасининг энг кучли ва олдинги сафдаги ютуқларига киради.

Кўп хонадонларда касаллик иситма билан бошланса беморлар ё яқинлари ўзларича антибиотикларни қўллайдилар. Пенициллин ва стрептомициндан укол қиладилар. Икки уч кундан кейин ҳам иситма тушмаса, кейин врачга мурожаат қиладилар. Касалликни аниқламасдан илгари антибиотиклар билан организмни заҳарлаб, фожиали ҳодисаларга учраганларни ҳам тажрибада кўрамиз.

Ошқозон-ҳазм йўлларини касалланиши-ич кетиш, қайт қилиш, витаминлар камайиши ва кам қонлилик вужудга келади.

Ҳар бир касални фақат врач кўриб даволаши керак. Оила аъзолари ва бошқа кишиларни ўз-ўзингизча даволай кўрманг. Дориларни жуда эҳтиётлик билан сақлаш зарур.

И. ФОЗИЛОВ.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

✦ ✦ ✦

Мазмунли ўтди

К. Д. Ушинский номли республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчилар педагогик маҳоратини оширишда муҳим ишларни олиб бормоқда. Институтнинг навбатдаги курсида мактаб директорлари, математика, физика, тарих-география, рус тили ва чизмачилик ўқитувчилари барча фанлардан лекциялар тинглаш билан бирга «Халқаро аҳвол», «Коммунизм қурувчи янги инсонни тарбиялаш» тўғрисидаги суҳбатларни мароқ билан тингладилар. Айниқса математика семинарида ўтилган машғулотлар қизиқарли олиб борилди.

Семинар қатнашчилари Тўқимачилик комбинатида, Планета-рийда ва ҳисоблаш марказида бўлиб, совет фанининг ютуқлари билан танишдилар ва замонамизнинг илғор кишилари билан учрашдилар.

У. ДОСТАНОВ.

Шаҳар ҳуснбузарлари

ШАХСИЯТПАРАСТЛАР

Одамлар борки, фақат ўз манфаатларини ўйлаб иш кўрмайдилар. улар аввало ўзгаларнинг ғамини ейдилар. Бундайларни эл беҳад ҳурмат қилади, қайда бўлмасин номларини фахр билан тилга олади.

Баъзилар борки, улар фақат ўзим бўлай дейдилар. Бундайларни шахсиятпарастлар деймиз.

Яқинда Чилонзор бўйлаб сафар қилдик. Мана, биз «Чайка» кинотеатри рўпарасидамиз. Бир кўрган одам қайта кўришни орзу қилгудек чиройли бино. Аммо бу бинонинг орқа томонига ўтдиг-у, лол бўлиб қолдик. Уюм-уюм ахлатлар. Бино девори тутундан қоп-қорайиб кетган. Кинотеатрдан чиқишдаги эшик рўпарасида эса, улкан кўлмак, томошабинлар бир неча бор шундан кечиб ўтишган.



Данил Петрович Медяев бу ерни мана шу ҳолатга келтирган.



Чилонзор кўчасидаги эълонлар тахтасига баъзи шахсиятпарастлар ёпиштириб кетган ёзувлар.

Ю. Олин фотолари.

Чилонзор ва Гагарин кўчалари ҳамда Чилонзор ва Муқимий кўчалари кесишган жойлардаги «Ишчи ва мутахассисларни ишга таклиф» тахталарини кўздан кечирамиз. Бу ердаги эълонлар устига ва ёнидаги жойларга айрим шахсиятпарастлар турли-туман қоғозлар ёпиштириб ташлашган. Мана, улардан баъзилари: «Шифобахш гуллар сотилади. Мурожаат учун адрес: 1-квартал, 5-уй, 15-квартира», «Квартирамни алмаштираман. Екатерина Ивановна, телефоним: Ж-71-889», «Квартирамни алмаштираман; адресим: 23-квартал, 1-уй, 7-квартира. Кузнецов», «Гарнитур сотаман, турар жойим: 12-квартал, 26-уй, 15-квартира», «Квартирамни алмаштираман; адресим: 2-квартал, 46-уй, 45-квартира»...

3-квартал, 2-уй, 6-квартирада истиқомат қилувчи Бекерман каптар боқаман деб уйи яқинидаги ҳовлини ўраб олибди ва чиқиндихонага айлантирибди. Ёз бўйи турли касалликлар тарқатган қурт-қумурсқалар, пашшалар ҳозир бу жойда қишлаб ётишибди. Кабутарлар эса ғувлашиб, ҳаммаёқни булғатиш билан овора.

3-кварталнинг 32-уйида истиқомат қилувчи Данил Петрович Медяев ҳам Бекермандан асло қолишмабди. У ўзи яшайдиган уй қаршисидаги майдонни чунонам ўраб ташлаганки, ичкарига киришга жой тополмай овора-ю, сарсон бўлиб юрибди.

3-квартал, 16-уй, 2-подъезд эшиги олдида қопоғон бир итга дуч келдик. Бу жонвор жон-жаҳди билан ириллаб, ҳеч кимни бинонинг юқори қаватларига қўймайди. Кимники эканлигини суриштирдик. 13-квартирада турадиган Ҳусаинов ҳам, 14-квартирада истиқомат қилувчи Кротова ҳам, 15-квартирадаги Сердюченко ҳам менникимас, деб туриб олишди. Демак, учаловларниники экан-да!

Шу бинонинг 37-квартирасида яшовчи Шелешков ҳам балконида ит боқаркан. Қўни-қўшнилари ундан безор. Иўқотгин, деб бир неча бор илтимос қилишди. Аммо Шелешков пинагини бузганича йўқ.

Юқорида айтганларимиздан шундай хулосага келиш мумкин. Наҳотки, чилонзорликлар гўзал район ҳуснига доғ тушираётган бу шахсиятпарастларни тийиб қўёлмасалар?! Бу иш уларнинг қўлидан келади, албатта.

У. ЮСУПОВ.



Бу манзарани сиз «Чайка» кинотеатри орқасида кўрасиз.



Бекерманнинг каптархонаси.

ФОТО АЙБНОМА

ВЬЕТНАМЛИК БОЛАЛАРГА

Алишер Навоий номидаги театр коллективи ўзининг энг яхши спектакларидан бири — Арам Хачатурянниинг «Спартак» балетини кўрсатиб, ундан тушган пулни вьетнамлик болаларга ёрдам фондига берди. Катта Академик театри спектаклини кўрсатишдан тушган пулни Вьетнамга ёрдам фондига бераётган республикадаги иккинчи бадиий коллективдир.

◆

УЛЬТРАТОВУШ ҚЎЛ КЕЛДИ

Тошкентдаги каноп фабрикасида биринчи марта ультратовуш луб экинлари толаларини юмшатадиган эмульсия тайёрлай бошлади.

Илгари бу ишни корхонада механик қоргичлар бажарар эди. Бироқ бу қоргичлар ёрдамида тайёрланган қоришма бир хил бўлиб, унинг таркибидаги ёғ моддаси бутланиб кетар эди. Эмульсияни 90 градусгача қизитишга тўғри келар эди, бу эса толанинг пишиқлигига таъсир этар эди.

Ультратовуш тайёрлаган қоришманинг сифати жуда яхши.

(ЎзТАГ).

◆

ВИТАМИНЛИ НОН

1-сортли ундан ёпилган нон; тайёрланган чучварани иштаҳа билан тановул қиласиз.

Уни мазали қилган витаминдир.

Тошкентдаги 1-нон комбинатида махсус дозаторлар ўрнатилган. Уларнинг вазифаси бир тонна унга B_1 витаминидан 4 грамм, PP витаминидан 20 граммдан сепиб аралаштиришдир.

Бу витаминларнинг хосияти шундаки, иштаҳангизни очади, кайфиятингизни яхшилайди.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ

22 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

Газетхонларимиздан бири ёзган хатида Бешёғоч бозорида сомса билан савдо қилишда санитария-гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилинмаётгани танқид қилинган эди.

Хат текшириш учун Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасига юборилган эди. Олинган жавобда бундай дейилади:

— Хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Кўчада сомса сотиш ман қилинди. 2-пиво заводи қошидаги сомса ёпиш цехи санитария талабларига жавоб бермаганн учун тугатилди. Сифатсиз сомса билан савдо қилгани учун ошхона мудири Абдуллаевга выговор эълон қилинди. Пиво заводи ва кўн-галантерея комбинати ошпаз бригадирлари оддий ошпазликка туширилди. Мебель фабрикаси қошидаги ошхона мудири Азимов ва ошпаз-бригадир Аҳмедов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди.

Умумий овқатланиш бошқармаси Бешёғоч-даги барча сомса ёпиш цехлари устидан қатъий назорат ўрнатди.

Адабий меросимиздан

Мирзойи ҲЎҚАНДИЙ

ҲАМЗА ИЗИДАН

Мирзойи Хўқандий тахаллуси билан шеърлар ёзган Мирзо Ҳайрулло Носиров Қўқонда XX аср бошларида етишиб чиққан маърифатпарвар шоирлардандир.

У XX аср бошларида Муқимий, Фурқатларнинг халқчил ва маърифатпарварлик қарашларининг баракали таъсирида вояга етди. Революцион тўлқинларда чиниқиб ўса бошлаган ўзбек совет адабиёти вакиллари билан бир қаторда ижод қилди. У ўзбек демократик адабиётининг инсонпарварлик туйғуси билан суғорилган ғояларини ўзбек совет адабиётига олиб кирди. Шу илғор ғояларни замонасининг революцион воқеалари билан ҳамнафас қилиб ифодалади.

Мирзо Ҳайрулло 1880 йилда Қўқоннинг собиқ Сандиқулибек маҳалласида (ҳозирги «Янги ҳаёт» кўчаси) косиб оиласида дунёга келди. У ёшлигида маҳаллаларидаги ибтидоий мактабда, кейинчалик эса, Бузрукхўжа мадрасасида таълим олди.

Ўз даврининг билимдон зиёлиси, Муқимий, Фурқатларнинг шогирди ва дўсти таниқли шоир ва хаттот Сулаймонқул Рожий ўткир зеҳнли Мирзо Ҳайруллони ўз тарбиясига олади. Мирзо Хайрулло унинг тарбиясида танилган хаттот ва шоир бўлиб етишди. У замонасининг таниқли шоирлари Зорий, Қорий, Анбар отинлар билан доимий алоқада бўлди. Улар таъсирида ижодини давом эттирди. Замондошлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сўфизода кабилар билан яқин ошно бўлиб, ижодий ҳамкорликда бўлган.

Мирзо Ҳайрулло мадрасани тугатган йиллари ўлкада снёсий ва маданий ҳаётнинг ривожланган йиллари эди. У янги усулда мактаб очди ва то 1918 йилгача муаллимлик қилди.

Мирзо Ҳайрулло ўз ижодини мадрасада ўқиб юрган йилларн бошлади. Мирзо илк шеърларининг кўпчилиги муҳаббат мавзуидадир. Ёш шоир устоз шоирларга эргашиб, инсоний муҳаббат ва унинг кечинмаларини чуқур самимият билан ифодалайди. Мирзо Ҳайрулло лирик шеърларининг асосий мазмунини ёрнинг латофатли тасвири, ошиққа бўлган бепарволиги, ошиқнинг бахт истагидан иборат. Бу ҳаётий ҳолатлар чуқур лиризм билан сугорилган ўйноқи сатрларда берилади:

Хўб эмас менга чаман, сарви ниҳолим бўлмаса,
Парпираб турган назарда гул жамолим бўлмаса,

Мирзо Ҳайрулло 1915 йилгача ёзган шеърларини тўплаб баёз тузган. Бу баёз қўлёзма ҳолида Қўқон адабиёт музейи архивида сақланмоқда. Баёзда шоирнинг 215 шеъри бор. Уларнинг кўпчилиги Навоий, Муқимий, Фурқат, шеърларига назира қилиб ёзилган. Баёзнинг охирларида шоирнинг Муқимий («Бир манму»), Ҳувайдо («Ўхшамас»), Камий («Қилма жафога одат») шеърларига қилган муҳаммаслари бадиий мукаммал ва чуқур мазмунлидир. Улар чиройли, образли ўхшатишларга, муболағаларга бойдир. У бадиий приёмлардан ҳам усталик билан фойдаланади. Мушоира, савол-жавоб баҳри-бозгашт—қайтарма приёмлардан усталик билан фойдаланади.

Баёзда ёш шоирнинг хато ва камчиликлари, ижодий изланишлари ҳам сезилиб туради. Зўрма зўраки тақлид қилиб ёзилган мувашшаҳ, маснавийлар ҳам учрайди. Баёз охирларига киритилган чуқур мазмунли муҳаммаслар, мусаддаслар шоирнинг ижодий такомилга эриша борганини кўрсатади. Баёзда лирик шеърлар билан бир қаторда ижтимоий мотивлар ифодаланган қатор шеърлар ҳам бор. Унинг «Кимга дей», «Истар кўнгул» каби бир қатор шеърлари шулар жумласидандир. Буларда шоир замонасидаги социал адолатсизликдан, мавжуд ҳаёт қийинчиликларидан қаттиқ шикоят қилиб ёзади.

Мирзонинг 1910 йиллардан кейинги фаолияти ва ижодида маърифатпарварлик ғоялари катта ўрин эгаллайди. Шеърларида халқ ҳаётидаги жаҳолат ва нодонлик ҳақида қайғуриб ёзади.

Эй жаҳолат, бизга айлаб деву
пайкарларин ёр,
Олис айлаб нуру илму
адлдан ташлаб ханор,
Ҳар нечук даҳринг балосига
қилиб Мирзони ёр,
Арсан бугзи адоват ичра
жавлон айладинг,
Синдируб болупаримни зору
нолон айладинг.

У матбуот, маориф ва маданият янгиликлари билан яқиндан танишди. Ўзи ҳам маданий ҳаётда қатнаша бошлади. Шаҳарда яхшигина хаттот сифатида танилди. Литография, тошбосма учун қатор асарларнинг қўлёзмаларини тайёрлади. Жумладан дўсти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Гуллар» тўпламчаларини босмага тайёрлади.

Халқ оғзаки адабиёти намуналарини ўрганиб тўплаб, халқ шашмақомларини босмага тайёрлади. «Жумоқ мажмуаси» 1916 йил босилиб чиқди. Халқ эртакларидан «Сичқон ила мушук»ни 1916 йили Вайнер типолитографиясида бостириб чиқарди.

Ўз даврининг машҳур маърифатпарвар шоир ва муаллимлари Ҳамза, А. Авлоний, Сўфизодалар изидан бориб, Мирзо Ҳайрулло ҳам халқ орасида, айниқса ёшлар орасида илм-маърифатни ташвиқ қилишга катта аҳамият берди. Ўз мактабида болалар диққатини аниқ фанларга жалб этиб, уларнинг тезда саводини чиқаришга, аниқ фанлардан баҳраманд этишга ҳаракат қилди. Мирзо Ҳайрулло ўз талабалари учун «Гулшани Мирзо», «Гулшани хаёл» хрестоматик китобларини тузди. Китоблар содда тилда ёзилган. Унга кичик ҳикоялар, масаллар, латифалар, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, тарбияга оид насиҳатлар дидактик мазмундаги шоирнинг ўз шеърлари киритилган. Китоб илм-маърифатнинг инсон учун буюк фойдаси ҳақидаги кириш сўзи билан бошланади.

Халқнинг оғир ҳаётига қаттиқ ачиниб, ўз даври ижтимоий ҳаётига таңқидий кўз билан қараган, халқ учун озод бахтиёр ҳаёт келишини чин дилдан истаб юрган Мирзо Октябрь революциясини қувонч билан кутиб олди. Шоир инқилоб эзилган меҳнаткаш халқларга чин озодлик келтирганини тушунди ва революцияни чин дилдан табриклади.. Ижоди ва педагогик фаолияти орқали Мирзо революция ғалабасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Гражданлар уруши тугаши билан бутун мамлакат бўйлаб Ленин кўрсатмасига асосан саводсизликка қарши кураш борди.

Қўқонда ҳам кўплаб саводсизликни тугатиш курслари, мактаблар, рабфаклар, кейинроқ техникумлар очилди. Илғор зиёлилар халқ маорифи ишига жалб қилинди. Ҳамза Ҳакимзода, Ашурали Зоҳирий, Муҳаммаджон Холиқий, Маҳмудхўжа Аҳмадхонов, Абдувоҳоб домла, Пўлатжон Қаюмов каби бир қатор зиёлилар Қўқонда халқ маорифини ташкил қилишда, саводсизликни тугатишда катта хизмат қилдилар. Шу илғор зиёлилар қаторида Мирзойи Хўқандий ҳам бор эди. Саводсизликни тугатиш курсларида, мактаб, рабфакда, интернатда, Мирзо муаллим, мактаб мудири, тарбиячи бўлиб хизмат қилди. Шаҳарда ва шаҳар атрофида саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. Халқ маорифида 1929 йилларгача ҳормай-толмай хизмат қилди. Педагогик фаолияти билан бир қаторда шеърларида ҳам илм-маърифат эгаллашга чақирди.

Шоир фаровон ҳаёт, маданий тараққиётни илм-фан, техника ривожи билан боғлайди. Халқни, айниқса ёшларни дин ва хурофотдан узоқ бўлишга, «фан богининг эгаси бўлишга», «Маърифат қуёшидан баҳраманд бўлишга» даъват қилади:

Қўйиб эски ҳавасни, тарк
этиб бу янги оламда,
Фунун сари чопайлик
коримиз Мирзо барор ўлсун..
ёки
Қуёши маърифатдан баҳралан
борича имконинг,
Шабистони жаҳолатдан қачон
аҳли залил чиққай..

Мирзо Ҳайрулло ўз замонасида рўй бераётган воқеаларга объектив назарда бўлишга, ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилди.

20 йилларда Мирзо синфий душманларни, халқ онгида ва ҳаётида сақланиб келаётган эскилик сарқитларини фош этувчи бир қатор ҳажвий шеърлар яратди. Шоир айниқса дин аҳли, диний маросимларни қаттиқ танқид остига олади: «Қурбон ҳайити», «Рўза», «Ҳаҳр» каби шеърлари шундай танқидий асарлардир.

1927—1928 йилларда Мирзо Ҳайрулло дўстлари Ҳамза, Сўфизодалар билан бир қаторда ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш учун бўлган курашда актив қатнашди. Ўзбек аёлларини паранжини ташлашга, мактабларга бориб ўқишга даъват қилувчи «Хитоб», «Битсин паранжи», «Паранжи қулларига» каби шеърлар ёзди.

Шоир ўзбек хотин-қизларининг асрлар давомида жаҳолат қоронғилигида қолиб кетган ҳаёти маърифат нурлари билан чароғон бўлишини истайди.


30 йилларда мамлакатимизда бўлган катта ўзгаришлар барча совет шоирлари ижодида акс этганидай, Мирзо ижодида ҳам ўз аксини топди. У совет воқелигидаги улуғ ўзгаришлардан илҳомланди. Халқ ҳаётидаги ҳар бир воқеага ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилди. Қишлоқларимизда амалга оширилган коллективлаштиришга, биринчи сайловларга атаб шеърлар ёзди. Шоир Совет хокимиятининг халқ ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган тадбирларини табриклаб чиқди.

Мирзо Ҳайрулло ўз даврининг халқаро аҳволига назар солиб борди. 1934 йилда ёзган «Фашистларга қирғин» шеърида Европада фашистларнинг тутган снёсатидан ташвишланиб ёзди. «Фашистлар оламни ваҳшийликка қадам қўйган» бу кунларда ҳушёр бўлиш янги уруш оловининг очилишига халқлар бирдамлик билан йўл қўймаслиги кераклигини уқтиради.

Мирзо Ҳайруллонинг бу даврда ёзган шеърлари «Янги Фарғона» газетасининг «Чигириқ» саҳифасида босилиб турди. «Чигириқ» да шоирнинг 20 га яқин шеърлари чиққан. Шунингдек шоир маориф ҳаётидан олинган кичик мақолалар билан ҳам қатнашиб турган. Мирзо 1937йилгача маданий оқартув идораларида ишлади, ижодини давом эттирди. Мирзойи Хўқандий 1943 йили Тошкентда вафот этди.

Фотима ҲУСАНОВА,
филология фанлари кандидати. Қўқон адабиёт музейи илмий ходими.

Лирика



Бўлди даврон кулфатидан қад дуто ман кимга дей,
Рангларим ранжу аламдин қаҳрабо ман кимга дей.
Топмадим эл ичра бир ҳасраткушо ман кимга дей.
Маҳрам эрмас рози дилларга сабо ман кимга дей,
Бўлди ғамдин лоладек кўксим қаро ман кимга дей.
Даҳрдин ҳар дам қулоғимга нидойи алфироқ,
Еткуси, раҳм айла ҳолимга, аё дилдор боқ.
Термулиб йўлингда кўзларни қароси бўлди оқ,
Буйла ўз ҳолида ҳар ким арзима солмас қулоқ,
Чоқ этиб эмди гирибон, оҳ-во ман кимга дей.
Ғунчадек хомушлиқ этсам, бу дилим қон ўлғуси,
Кимга қилсам зорим ифшо, душмани жон ўлғуси,
Ўхшамас кормм жаҳонда, эмди осон ўлғуси,
Ҳар замон бағрим яроси ким фаровон ўлғуси,
Ғам билан кор айламас, чун мумиё ман кимга дей.
Тун саҳарлар қумридек ҳар шохи сарв узра наво,
Айламай найлай бу ҳижрон дарди бирла оҳ-вод,
Хасрат ўтида куйиб, бўлди тану жоним фано,
Дарду ғамга ҳеч киши мандек эмасдур мубтало,
Айтқали йўқ сирри махфий ошино ман кимга дей.
Аввало солган жафо, бошим ўза сен-сен ўзинг,
Айлаган тиғи ситамдин, дил яро сен-сен ўзинг,
Зулфи мушкинингга ҳамчун, мубтало сен-сен ўзинг,
Ўзга йўқ Мирзога сандин муддао сен-сен ўзининг,
Сенга айтмай ҳасратим, эй дилрабо ман кимга дей.

* * *

Хуш эмас менга чаман, сарви ниҳолим бўлмаса,
Парпираб турган назарда гул жамолим бўлмаса.
Қолмайин найлай аро йўлларда саргардон бўлиб,
Раҳм этиб, бир йўл сўрарга арзи ҳолим бўлмаса.
Бўлмаса сийму зарим, ул маҳни исори учун,
Гал этарга ё ани, бир хуш маҳолим бўлмаса.
Қоф анқоси каби, қўнган макони куб баланд,
Учгали ожизмен анга, пару болим бўлмаса.
Сокини байтул ҳазан, қўллар ювилди қордан,
Иш бўлур албатта, шул ўзга хаёлим бўлмаса.
Эл тилак соқисидан бўлгонида хуррам, мени
Найлайин қўлимда бир синган сафолим бўлмаса.
Бош уриб эмди умид бобида еткум Мирзо,
Судралиб юрмоққа найлай, бир мажолим бўлмаса,

* * *

Ўттк ғамингда жоно афсоналикда умрим,
Халқи жаҳон ичинда хайроналикда умрим.
Хижрон кулфатидин кимларга дод айлай,
Васлинг сари етолмай сарсоналикда умрим.
Диққат қилиб тополмай, ному нишона сандин,
Чун кўзлари ҳамиша гирёналикда умрим.
Сен қайси шаҳр хуби, излаб топай нишонинг,
Тайин айла кечти, девоналикда умрим.
Қайси чаман гулисан, оламни булбули тенг,
Бирдам туну саҳарлар нолоналикда умрим.
Шамъи юзинг кўроймай, бошингдин ўргилолмай,
Қилдим адо йўлингда парвоналикда умрим.
Сабр ила тоқатимни торож этти ишқинг,
Билмас ани нечукким мастоналикда умрим.
Ним хоб уйқу йўқдур, ёдимга тушса ёдинг,
Таври вужудим ўртар сўзоналикда умрим.
Ҳар жабр ёрингдан келса Мирзо, илтифоти,
Сен дема эмди ўтсун хандоналикда умрим.

* * *

Азм айлагил чаманга гул интизоринг ўлди,
Мушток лола, савсан э гулзорииг ўлди.
Бемори фуркатингни ҳолин-сўрарга келгил,
Раҳм айла эй париваш, диллар фигоринг ўлди.
Доғ ўлди ғунча янглиғ, кўксим ғамингда тун-кун,
Жабру ситам кўрубон ман зори коринг ўлди.
Раҳминг келурму жоно ҳоли дилимга ҳаргиз,
Доим ишим фигону, тунларда зорииг ўлди.
Ҳасратларингни заҳрин шому саҳар чекибон,
Кўнглум бу дам карам қил, кўп беқарорииг ўлди.
Мўдек тушиб нигоро ишқингни оташига,
Жисмим куйиб тамоми хоки ғуборинг ўлди.
Неча муродинг ўлса, қил истихора борғил,
Ул ёр остонн, Мирзо, мозоринг ўлди.

* * *

Ҳавон ишқида кўнглум қуши, боз ила жанг этмиш,
Сиришким конн бирла, ер юзини лоларанг этмиш,
Хирад аҳлига ҳар дам арз этиб рангин масоиллар,
Ажаб бул гуфтугуда, хуш элини бир ғаранг этмиш.
Ғизоли вақшидек, бир аҳлият домига банд ўлмай,
Кўринган ушбу водий ичра, сайёди тажанг этмиш.
Қуйилгандур насиҳат тингламас гўша аро тунлар,
Маломатдек анингчун, бошига борони санг этмиш.
Дедим минг карра, бехудлик йўлига юрмоғил мундоқ,
Деди, девони ҳикмат сарнавишгимни дуранг этмиш.
Қуюндек ўзига ҳар дам уролиб чарх ўриб олам,
Юзин сайр айлабон, ҳар дийда аҳлин ҳангу-манг этмиш.
На бўлса бўлди аммо, соф кўнглум доимо Мирзо,
Риё бирла қачон зоҳид каби руйини ранг этмиш.

МОТАМ КЕЧАСИ

(УЛУҒ ДОҲИЙМИЗНИНГ ВАФОТ КЕЧАСИГА)

Олам ҳамма бор, ўртада йўқ доҳийси Ленин,
Ҳар мазлум элни раҳбари дил хоҳиси Ленин,
Қутлуғ нафас ул, чарх шараф меҳиси Ленин
Ойдин ҳар иши, элни карам хоҳиси Ленин,
Гарчи ўзидир фонй, сулуки вале боқий.
Қилган ҳамманинг кўзини гирён нечадур бу,
Дилларга алам ўтини солган нечадур бу,
Бу неча қаро хилъабини бошига чулғаб,
Оламга адо ўтини еқиан нечадур бу,
Юлдузлар учар, кўҳнинг равоқида бу неча,
Ойин етуран ҳоли паришон нечадур бу,
Оламга бу ғам шарҳини ёзмоққа Аторуд.
Илгида қалам, онйнаси сўзан нечадур бу.
Булбулга наво гулни фироқида бу неча,
Ошиқ дилига солгучи армон нечадур бу.
Гулзорн жаҳон гулларига кимса назора,
Қилмас, ҳамманинг багри эзилган нечадур бу.
Эл жумла ҳамма, ашни равон ҳоли паришон,
Хуррамлик уйин қилгувчи вайрон неча бу,
Бу неча кўнгул бахри аро тўлқини кўриш
Ғам бирла ҳамма, моҳи жигар қон нечадур бу,
Ҳар кимса дилн ушбу алам оташи узра,
Седона наби жизгини сўзон нечадур бу,
Тош узра тушиб жони вафо васли оёғи,
Дилларга уран оташи ҳижрон нечадур бу,
Ким йўқ бу неча, йўқсул элин додгари йўқ,
Минг оҳу фиғон офати даврон нечадур бу.

1924 йил.

ФАШИСТЛАРГА ҚИРҒИН

Бугун маросими дунё, эрур ёмон қизғин,
Адувни фикри бузуқдур, дилида қон қизғин.
Фашистлар оламн ваҳшийлига қадам қўйди,
Аларни манри била, ишларн замон қизғин.
Кишилик оламидан ер бирла самоча узоқ,
Тамомн қилдуги нори ёмон, бу он қизғин.
Жаҳонга қўйгали ўт, доимо мурод айлар,
Тўнларга элни қонин, майсади равон қизғин.
Гуноҳсиз элни қонига ўлиб, ҳамеша ҳумор,
Кўтаргуси ҳамадан, жоми арғувон қизғин.
Бу зулм оташи бир кун, неларни ёқмучнин,
Танини куйдурубон, айлагай ниҳон қизғин.
Фашистлар ила нурашда жаҳонни ишчилари,
Ҳамеша бўлгувсисиз бир тан ила жон қизғин.
Чароғи бахтингиз олам юзида равшандур,
Чунончи нурфишон, шамси осмон қизғин.
Мурод гуллари сизнинг тараф, ҳама сизнинг,
Бўлурсиз охирн дилшоду номрон қизғин.

1934 йил.

МУҚИМИЙГА МУҲАММАС

Ғулому камтарининг Чину хоқон ўлди бир манму?
Юзинг муштоқи жумла ҳуру ғулмон ўлди бир манму?
Гирифторинг тамоми аҳли даврон ўлди бир манму?
Асири чашминг охуйи биёбон ўлди бир манму?
Кўруб оина ҳам ҳуснунга ҳайрон ўлди бир манму?
Жамолинг партавин гулшан аро тунлар чароғ айлаб,
Қуёшдек пардан зулматни оламдин узоғ айлаб,
Юзингни рашкидин гул-лолалар бағрини доғ айлаб,
Руҳ оқдинг пардадин ул субҳидамким, сайри боғ айлаб.
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди бир манму?
Кўриб абри хилолинг заррa тоқат қолдиму ёда,

Уқурлар дафтари ишқинг муҳаббат аҳли, ҳар шода,
Риёзи жаннат ичра йўқ қаддингдек сарв озода,
Куяр жисмим на танҳо ишқинг ўтидинки саҳрода,
Тушуб ўт, лолалар ҳам жумла сўзон ўлди бир манму?
Ки Шому Ҳинди мулкини баҳоси донан холинг,
Камар бағрини чок айлар сани нури руҳи олинг.
Фалотуни жаҳон етмас ҳақиқатда нечук ҳолинг,
На ёлғиз ман ҳароба халқаи зулфу хату олинг.
Лабингга банда ҳам лаъли Бадахшон ўлди, бир манму?
Дема ким ишқ элини оҳ-вох урганда айб эрмас,

Ки ҳар ерда хаёлинг бирла чун турганда айб эрмас,
Вафо қилсанг муҳаббат аҳлига кўрганда айб эрмас.
Куюнгда бандалардек соврилиб юрганда айб эрмас,
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ўлди бир манму?
Бўлуб шарманда зулфинг буйидан ким мушк ила анбар,
Хиромингдин эрам товуслари ҳайрон эрур яксар,
Зилол лаълингга қул оби ҳайвон бирла ул кавсар,
Кўриб рамзи табассум, бу экан деб хусни Юсуфлар,
Гирифтори ўшал чоҳи занахдон ўлди, бир манму?
Висолинг шавқида хун ўлди жисмим, кўзларим ҳам нам,
Қилурман нолалар ҳажринг бирлан ҳар дам тутиб мотам,
Аё Мирзо карам қил кулларингни ҳолига кам-кам,
Висолинг лаззатидин муждалар топган рақиблар ҳам,
Келиб ойлар, Муқимий Янгиқўрғон ўлди бир манму?

РЖИЧАНА МАКТАБИ БИЛАН ЁЗИШМАЛАР

ПРАГА. (АПН—Прагопресс). Ржичана шаҳарчасидаги ўрта мактаб директорининг столи устида адреслари йирик ҳарфлар билан ёзилган ва почта бўлимининг белгиси қўйилган бир даста хат ётибди. Бу хатлар Москва, Ленинград, Киев, Батуми ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан келган.

Бу конвертларнинг баъзиларида аниқ адрес ҳам йўқ. Аммо Праганинг марказий почтамтида бу мактаб хатларни жавобсиз қолдирмаслигини биладилар.

...Бу иш бундан саккиз йил илгари бошланган эди. Ўша вақтда бу мактабга украиналикқизчадан хат келди. Қизча хатида уруш тамом бўлиши шарафига ўз отасининг Ржичанада автоматдан салют берганлигини ёзган эди. Бу хатга биргина қизчанинг ўзи эмас, балки унинг отаси Роман Алексеевич Веселик ҳам жавоб олди. Хат ичидан таклифнома ҳам чиқди. Таклифномада Роман Алексеевич гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган урушнинг охирини кутиб олган Ржичана шаҳрига ташриф этиш сўралган эди. «Унутилмас баҳор» деган ҳарбий ҳикоялар тўплами ЧССРга қилинган шу визит натижаси бўлди. Роман Алексеевич Советлар мамлакатининг кинонерлари билан ёзишиб туришни орзу қилаётган чехословакиялик болаларнинг адресларини ҳам олиб қайтди. Ҳозир чегара оша ёзишма хатлари билан бирга открытка, значок, почта марказлари ва болаларнинг ўзлари томонидан ясалган турли совғалар бориб-келиб турибди. Ржичаналик баъзи ўқувчилар Совет Иттифоқидаги ўз дўстлари ёнида ва совет пионерлари Прага ёнидаги кичкина ёқимтой шаҳарчада меҳмон бўлишди.

Португалиянинг пойтахти Лиссабон шаҳри сув тошқинидан катта зарар кўрди. Сув тошқини мамлакатнинг катта қисмида бўлган жала натижасида содир бўлди. «Диариу де нотисиас» газетаси табиий офат шаҳар канализациясининг қониқарсизлиги натижасида рўй берди деб изоҳлади. Чет эл матбуоти агентликларининг хабар беришича 250 га яқин киши халок бўлган, кўпгина бир қаватли уйлар бузилган.

Суратда: шаҳар четидаги аҳоли ўз мол-мулкини сақлаб қолиш учун уриняпти.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.



Вьетнам Демократик Республикаси. Ханой яқинидаги Куанг Ба қишлоқ хўжалик кооперативининг деҳқонлари шаҳарга жўнатиш учун сабзавот ҳосилини тайёрламоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.



СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ЎЙМАКОРЛИК САНЪАТИ

СТОКГОЛЬМ (АПН мухбири). Яқинда Стокгольмдаги энг йирик виставка залида совет ўймакорлик санъатининг виставкаси очилди. Бу ерда шиша, ёғоч, металл, суяк ва лойдан тайёрланган 200 дан кўпроқ экспонат бор.

Швеция пойтахтининг мэри Карл Альберт Андерсон виставкани очиш маросимида нутқ сўзлаб, бу виставка Швеция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтиришда янги қадам бўлишини айтди. Виставка халқларимиз ўртасидаги ҳам, жиҳатларини ривожлантириш учун ёрдам беради, албатта.

Стокгольм этнография музейининг директори, машҳур сайёҳ Б. Даниельсон виставка очилишида қатнашиб, АПН мухбирига—«Лильевальс» залларидаги экспонатлар кишини қувонтиради»,—деб айтди. Бироқ унинг фикрича, ленинградлик рассом-архитектор Борис Смирнов ва Уэлесалик усталар томонидан суяқдан тайёрланган буюмлар энг гўзал буюмлар ҳисобланади...

«Мен Совет Иттифоқида бир неча марта бўлдим,—деди у хулоса қилиб,—Москва ва Ленинград музейлари билан танишдим. Лекин совет санъати билан ҳар галги янги танишув менда энг яхши таассуротлар қолдирмоқда.

Б. МЕТЕЛКИН.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН СУРАТ

БЕРЛИН. (АПН—ГДР Панорама). Санъат ишқибозлари Тицианнинг «Динарий Кесаря» деган жуда қўркам суратини яна кўришга муяссар бўлдилар. Бу сурат Дрезден галереяси қайта тикловчиларининг моҳир қўллари билан тикланиб, сақлаб қолинди.

XVI асрда чизилган бу суратнинг тақдири қизиқдир. 1945 йилда Дрезден галереясининг хазиналарини қидириб топишда немис дўстларига ёрдамлашган совет мутахассислари бу суратни тош майдалаш конидан топиб олдилар. Бу ерга уни Совет Армиясининг зарбалари остида гарбга қочиб кетаётган фашистлар яширган эдилар. Тош конидаги намлик, паст ҳарорат, қоронғилик нодир санъат асарининг қисматини хавф остида қолдирган эди. Шошилинч чоралар кўрилди. Қайта тикловчилар уни кун сайин ой ва йил сайин авайлаб тиклаб бордилар.

Қайта тикловчилар «Динарий Кесаря» суратини ҳозир ҳам эътиборсиз қолдираётганлари йўқ. Улар махсус ҳароратли мослама тайёрладилар. Бу мослама суратни сақлаш учун қулай шароитни юзага келтириб, зарур бўлган ҳарорат ва ҳавони сақлаб туради.

Шарқий мамлакатларда

УМАР ХАЙЁМ АСАРИНИНГ ЯНГИ ТАРЖИМАСИ

НЬЮ-ЙОРК. (АПН мухбири). «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, шу йил ноябрь ойида Лондонда Умар Хайёмнинг «Рубоийлар» китоби нашрдан чиқмоқда. Уни атоқли инглиз шоири Роберт Грейвс таржима қилган. Хабар авторининг кўрсатишича, бу таржима XI асрдаги энг йирик олим ва файласуфнинг ижодиётини баҳолаш ва тушунишда катта ўзгаришлар киритажак.

«Рубоийлар» нинг Англияда 1859 йилда Эдвард Фицжеральд томонидан қилинган биринчи таржимаси,—деб қайд қилади Грейвс.—Умар Хайём адабий композициясн ва фалсафий қарашларини кўп жиҳатдан бузиб кўрсатган эди. «Рубоийлар» гарбдаги кўпгина китобхонлар авлоди томонидан қувноқ ва бегам турмуш кечиришга даъват қилишдан иборат деб тушиниб келинарди,—деб қайд этади Роберт Грейвс. Фицжеральд таржимасида «Сен» деган мурожаат тез-тез кўзга ташланиб турадн ва бу мурожаат Муҳаммад жаннатининг гўзал фаришталарига қилинган мурожаат деб тушинилардн. Грейвснинг тахмин қилишича, аслида шоир ўз хаёллари билан ўртоқлашаётган дўстига мурожаат қилади.

Грейвс ўз таржимасини автор текстига анча яқинроқ тураднда деб ҳисобламоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3БЕТ

22 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.

Михайловскдаги ўрмонда

ПУШКИН ЗАПОВЕДНИГИ 50 ЙИЛ ИЧИДА

— Улар Псков областининг жуда кўп жойларида учрайди. — Пушкинлар юрган йўллар чоррахаларида тош бутларни кўриш мумкин. Александр Невский давридан бери Пушкинлар Россиянинг туб ери бўлган Псковшинада яшаганлар...

Москвада А. С. Пушкин музейидаги навбатдаги мажлисда Пушкин заповедгининг директори Семён Степанович Гейченко ўз нутқини ана шундай бошлади.

У кўп йилдан буён шу заповедникда ишлайди. 1924 йилда махсус поезд билан заповедникка СССР Фанлар академиясининг президенти Александр Карпинский, олимлар ёзувчилар, шоирлар Ленинград жамоатчилиги вакилдари келганлигини у ҳамон эслайди. Бу ерда Пушкининг Михайловскга сургун қилингани юз йиллиги хотирасига Пушкин заповедниги дўстлари жамияти тузилган эди. Академиянинг президенти Карпинский ўша пайтда шундай кун келадики, Заповедникда совет поэзияси кунлари ўтказилади, деган эди. Унинг айтгани келди. 150 минг поэзия ҳаваскори 1967 йилда Михайловскда биринчи Пушкин поэзияси кунларига тўпланди. СССР турли халқларининг юз ёзувчи ва шоири уларга ўзларининг асарларини ўқиб берди.

Лекин бу тантанали кунга катта, мураккаб, вақти билан қийин 50 йилни босиб ўтишга тўғри келди.

...1918 йил. Германия қўшинлари Михайловск ўрмонидан 15 километр нарида турар эди. Заповедникда бандитлар хўжайинлик қилдилар. Улар талон-тарож, ўт қўйиш, бебаҳо ёдгорликларни ўғирлаш билан шуғулландилар. Ниҳоят Псков ерлари чет элликлардан тозаланди ва тезда Псков губерияси ижроия комитети маориф халқ комиссари А. В. Луначарскийга заповедникнинг аҳволи ва уни тиклаш чоралари тўғрисида доклад юборади. Луначарский декретнинг махсус лойиҳаси билан республика ҳукуматига чиқади. Заповедник ҳақидаги лойиҳа ва маълумотларни Кичик Совнарком тасдиқлаш учун В. И. Ленинга юборади. Пушкин заповедниги тўғрисидаги декрет 1922 йил 17 мартда ана шундай туғилади ва заповедник Советлар республикаси томонидан алоҳида муҳофазага олинади.

1935 йилда Батакмиз Пушкин ҳалок бўлганининг 100 йиллигига тайёрланаётганда СССР Фанлар академияси илмий ва тиклаш ишларини ўтказиш учун заповедникка энг яхши мутахассисларни юборди. Уларнинг кўпи 1941 йилнинг июнига қадар, яъни заповедник территориясига биринчи гитлер бомбаси тушгунга қадар ишлашни давом эттиравердилар.

Фашистлар оккупацияси заповедникка катта зарар етказди. Псков области озод бўлиши биланоқ СССР Фанлар академиясининг марҳум президенти Сергей Вавилов халққа қадрдон бўлган Пушкининг хотира жойларини тиклаш учун ҳамма чораларни кўрди. Заповедникда асосий қайта тиклаш ишлари Россиянинг гениаль шоирининг туғилганига 150 йил тўлган кунгача туталланган эди.

— Бизга, — дейди Гейченко, — ҳамма нарсани шоирнинг ҳаётлигида қандай бўлган бўлса, шундай қилмоқчимиз, кейинги йилларда текислаб юборилган қадимги тепаликларни қайтадан вужудга келтирамиз, ўша пайтларда ўсган дарахт ва буталар хилидан кўчат ўтказиб, ўрмонга ўша даврнинг қушларини жойлаштирмоқчимиз.

1967 йил 18 октябрда Заповедникда катта офат юз берди. Тўсатдан бўрон бошланди, бу ерларда бундай бўронни XVII асрдан бери билишмас эди. Заповедникнинг фахри бўлган 1350 эски дарахт илдизи билан суғуриб ташланди. Бахтимизга Пушкининг уйини ўраган, қабрида ўсувчи дархатлар соғ қолди.

Заповедник ходимлари ҳозир қандай илмий ишлар билан шуғулланмоқдалар?

Ўчга эсдалик луғати тузилмоқда. Бири Пушкининг қишлоқ дўстларининг рўйхати, бошқаси заповедникда ишлаган адабиёт ва санъат арбоблари ва ниҳоят Пушкин жойларини озод қилишда ҳалок бўлган жангчиларнинг рўйхати. Бу жангчи ва офицерларнинг қисқа таржимаи ҳолидир. Авлодлар Россия ерининг муқаддас жойларини сақлашда ўз жонини фидо қилганларни бир умр унутмайдилар.

В. ВОЙНОВ,
(АПН).

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

ҚОИДА

— Жаноб,—дебди дам олгани келган бир киши,—эълонингизда меҳмонхонамиз вокзалдан беш минутлик йўлда жойлашган деб ёзибсиз. Бу ерга етиб келиш учун мен бир соат сарфладим-ку!

— Шундайми,— дебди меҳмонхона бошқарувчиси.—Сиз бу ерга ёв келибсиз. Эълонни бўз пиёда юрувчилар учун ёзган эмасмиз.

КЎЗИНГИЗГА ҚАРАБ ЮРИНГ

— Сиз кўзингизга қараб юришингиз керак эди—дебди бир одамни уриб кетган машинанинг шофёри жабрланувчига.—Мен жуда эҳтиёткор шофёрман. Ахир мен етти йилдан бери машина ҳайдайман.

— Хоним, сиз мени ҳеч қачон айблай олмайсиз. Ахир мен 45 йилдан бери пиёда юраман.

БИЛЕТ НАРХИ

Озғин киши:

— Мен шаҳар транспорт бошқарувчиси бўлганимда эди, билет нархини одамнинг оғирлигига қараб олиш учун кондукторларга буйруқ берардим.

— Ундай бўлса сизни ҳеч қандай кондуктор автобусга чиқармаган бўлар эди.

Инглизчадан **Усмонов ва Муроджалилов** таржима қилган.

РЕКЛАМА...

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА

22

ДЕКАБРДА
ЖУМА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Оперетталардан парчалар.
18.40 Ленский, «Дилбар» балет сюитаси.
19.20 Озарбайжон куйлари.
20.00 Энергетикачилар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт (русча).
20.45 **Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «РСДРПнинг тузилиши. Большевизмнинг пайдо бўлиши»** (1883—1904 йиллар). Ўзбек тилида иккинчи эшиттириш.
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 **Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар.**
22.40 **А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан** (ўзбекча).
23.20 **Оқшом қўшиқлари.**

Иккинчи

19.00 Хор коллективлари ижросида концерт.
19.30 «Звезда Востока» журнали саҳифаларида (русча).
20.10 **Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ижросида СССР халқларининг куйлари.**
20.45 **«20 мингдан бири»** деган радиоочерк (русча).
21.00 **Самарқандлик ёш шоирлар — микрофон олдида** (тожикча).
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

РАДИОДА

23

ДЕКАБРДА
ШАНБА

Биринчи

8.25 **Ўзбек классик куйлари.**
9.30 Шўх куйлар.
10.10 Тартини сонатаси.
10.30 **Куйлардан—қўшиқларга.**
11.15 **«Октябрь ва кишилар тақдири»** (ўзбекча).
11.25 «ЯЛЛА» концерти.
12.15 **Музикали салом.**
13.10 **Чорвадорлар учун концерт.**
13.30 Дўстларимиз эстрадаси.
15.10 Ҳамза номли театр «Улимдан кучли» спектаклининг монтажи (ўзбекча).
17.20 Уйғур куйлари.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спорт эшиттириши (русча).
18.40 «БАҲОР» ансамбли созандаларининг концерти.
19.20 **Муҳаббат Шамаева ижросида қўшиқлар.**
20.00 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.
21.15 **А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. «НАВОИЙ ЛИРИКАСИ».**
22.00 «ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ» (ўзбекча).
22.15 «ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ» музикали драмасининг монтажи.

Иккинчи

7.15 Қурувчилар учун концерт.
8.25 «Ёлғиз ўзингга» деган музикали-адабий композиция.
9.15 Эълонлар бюросининг материаллари (русча).
19.00 **М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан** (ўзбекча).
19.30 Шоир Сергей Островойнинг қўшиқлари ва шеърлари.
20.10 **«Хотира саҳифалари».** Музикали-адабий эшиттириш.
21.00 **Тожик классик куйлари.**
21.30 «Октябрь революцияси — марксизм-ленинизм ғалабаси» деган суҳбат (татарча).

Учинчи

14.00 Б. Александров. «Малиновкада тўй» оперетгасининг монтажи.

ТЕЛЕВИЗИОРДА

ТЕЛЕВИЗИОРДА

22

ДЕКАБРДА
ЖУМА

Биринчи

Рус тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.10 **«Звездочка».** Телевизион журнал.
18.45 Музикали календарь.
19.35 Халқ контроли амалда.
Ўзбек тилида:
20.00 Телевизион янгиликлар.
20.20 **«Ильич орзуси амалда».** Бутуниттифоқ энергетика ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.
21.20 **«Устоз ва мураббий».**
22.00 НАФОСАТ». Бадиий фильм.

Иккинчи

18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Студентлар учун. Инглиз тилидан 8-машғулот.
Рус тилида:
18.30 Студентлар учун. Чизма геометрия.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.55 Эшиттиришлар программаси.
20.00 Ўқувчилар учун. **«Пионерия»** телевизион эгасетлиги.
20.30 **«Пўлат оқим».**
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.15 **«Сенинг қўлинг билан, халқ».** Энергетика ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.
21.45 «Огонёк».
23.00 Янгиликлар эстафетаси.
24.00 Мамлакат музика театрлари фестивали. Литва ССР Давлат Академик опера ва балет театри ҳақида эшиттириш.

ТЕЛЕВИЗИОРДА

23

ДЕКАБРДА
ШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:
10.50 Эшиттиришлар программаси.
10.55 **«Харьков бўйлаб сайр».** Телефильм.
11.30 **«КУМУШ ТРЕНЕР».** Бадиий фильм.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
13.00 Украина Компартияси Марказий Комитети ва Украина ССР Олий Советининг, Украинада Совет ҳокимияти барпо этилган кунга 50 йил тўлишига бағишланган тантанали мажлиси ва байрам Киевдан олиб кўрсатилади.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.
Ўзбек тилида:
17.10 Болалар учун. **«Телевизион қўғирчоқ театри».**
17.40 «УКРАИНА ВА ЎЗБЕКИСТОН» деган адабий-музикали композиция.
18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. **Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари. «БАҲОР»** ансамбли.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Киносаёҳатчилар клуби.
21.00 **Украинада Совет ҳокимияти барпо этилган кунга 50 йил тўлишига бағишланган байрам.** Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
24.00 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп серияли бадиий фильмнинг 3-серияси.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.00 «ОДЕССА». Ҳужжатли фильм.
20.20 **«Шарқ назми тароналари».** Концерт.
21.00 «БЕНЗОКОЛОНКА МАЛИКАСИ». Кинокомедия.
22.25 СССР халқларининг куйлари.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:
17.00 Телевизион янгиликлар.
17.15 Экран — болаларга.
17.35 Телефильм.
18.30 **«Янгиликлар билан танишинг».**
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:
19.50 Ҳужжатли фильм.
20.10 «Порт-Артур». Телеспектакль.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ
19.00 Янгиликлар.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 **Кинофильм.**
Рус тилида:
20.00 **«Поэзия сатрлари». «Сен юлдузлар сари борасан».**
20.20 «ДОН ҚИССАСИ». Бадиий фильм.
21.45 **«Иоанна куйлайди».** Фильм-концерт.

Учинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
17.10 Болалар учун. **«Телевизион қўғирчоқ театри».**
17.40 «УКРАИНА ВА ЎЗБЕКИСТОН» деган адабий-музикали композиция.
18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. **Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари. «БАҲОР»** ансамбли.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Киносаёҳатчилар клуби.
21.00 **Украинада Совет ҳокимияти барпо этилган кунга 50 йил тўлишига бағишланган байрам.** Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
24.00 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп серияли бадиий фильмнинг 3-серияси.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.00 «ОДЕССА». Ҳужжатли фильм.
20.20 **«Шарқ назми тароналари».** Концерт.
21.00 «БЕНЗОКОЛОНКА МАЛИКАСИ». Кинокомедия.
22.25 СССР халқларининг куйлари.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:
17.00 Телевизион янгиликлар.
17.15 Экран — болаларга.
17.35 Телефильм.
18.30 **«Янгиликлар билан танишинг».**
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:
19.50 Ҳужжатли фильм.
20.10 «Порт-Артур». Телеспектакль.

КИНО ТЕАТРЛАРДА

22 ДЕКАБРДА

Сайёд қўнғироғи — «МОСКВА» «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли. «ЧАЙКА» (кечқурун).

Қисқа учрашувлар (кеч 8 да), Аччиқ гуруч (кеч 6 ва 9.45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ».

Унинчи қадам — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

23 ДЕКАБРДА

Сайёд қўнғироғи — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Тергов давом этади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 23/XII да Зулматдан зиё, 24/XII да эрталаб Семуруғ, кечқурун Шоир қалби.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XII да Фарҳод ва Ширин, 24/XII да кундузи Қалам қошлигим, кечқурун Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Майдонда москваликлар». Совет цирки усталари. Совет Иттифоқида янкаю-ягона радио-механик одам-«Робот» иштирокида электрон-иллюзион аттракцион.

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 25 декабрда
КАТТА ЎЗБЕКЧА КОНЦЕРТ
Йиғилган маблағ курашаётган Вьетнам болаларига ёрдам фондига берилади.

1968 йил 3 январь кундуз соат 2 да Тошкент Давлат медицина институтининг (акт зали) бирлашган илмий совет мажлисида медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

Х. Н. Жўраев: «Коронар етишмовчилигида антиоагулянтлар қўлланиши таъсирида қоннинг қуюлиш ва қонининг қуюлишига қарши системасининг ўзгариши» деган темада;

Ш. И. Расулов: Экспериментал гелиотрин жигар цирозининг келиб чиқишига ва ривожланишига турли омилларининг таъсири» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида (К. Маркс кўчаси, 103 уй) танишиш мумкин.

◆ ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ЎГАМ БЎЙЛАРИ

Чўққидан боқаман. Ўгам бўйлари
Зангори либосга безанмиш гўё
Унга ҳаёт бериб дарё сувлари,
Саратон офтоби беради жило.
Уйноқи тўлқинлар,
Елдор тўлқинлар
Шовуллаб қиргоқдан тошмоқ бўлади,
Беқарор ёшлигидай олға талпиниб,
Нурям чўққилардан ошмоқ бўлади.
Мен ҳам буюк сафда шу дарё мисол
Меҳнат тўлқинида қайнаб оқаман.
Умид нўши билан порлоқ истиқбол,
Чўққисига доим шодон боқаман.

ОЛЧА

Тонгда чўгдай ёниб туради,
Ёниб туради,
Кўзин сузиб боғда олча,
Боғимга у ҳуси беради,
Фусун беради
Қизиллиги—ёрнинг лабича.
Завққа тўлиб боқаман унга,
Ёқади менга,
Хаёлларим овлайди, гўё,
Қўз ўнгимда олам—олчага
Олам—олчага
Айланар-у, яшарар дунё.

Ашурали АҲМЕДОВ.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ



«Иван Васильевич»

Тошкентдаги М. Горький номли рус давлат драма театри санъаткорлари яна бир саҳна асарини яратишди. У «Иван Васильевич» комедия-сидир.

Ёш инженер Тимофеев уйида сеҳрли бир қурилма ихтиро қилади. Унинг тугмачасини босиш билан турли даврларга саргузаштлар қилиш мумкин. Мана аппарат ишга тушди. Инженернинг олдида шоҳ Иван Грозний намоён бўлади. Асарнинг қолган воқеаларини уни кўрганингизда батафсил билиб оласиз. Асар юлғичларни, игвогарларни, текинхўрларни сатирик услубда фош этади. Спектаклни саҳналаштирган санъаткор астраханлик режиссёр Е. Егоровдир.

Суратда: янги спектаклдан кўриниш.

Л. Глауберзон фотоси.



ПОВЕСТЬ-ГИПОТЕЗА

Яқин ердаги муюлишда полиция мени тўхтатиб, сумкамни очиб кўрсатишни талаб қилди. Мен кучим борича қочишга тушдим. Қимдир ҳуштак чалди, орқамдан кўплашиб қувлай бошлашди. Қандайдир бир тўсиқдан ошиб ўтиб, кубокни буталар орасига ташладим-у, ўзим бошқа томонга қараб, қочиб кетдим. Икки соатлардан кейин уйга етиб келдим. Энди, қолган воқеанинг ҳаммаси ўзингизга маълум. Мен ҳам буни газетадан билдим. Якшанба куни қандайдир бир Давид Карбетт деган одам Пиклз лақабли кучукчаси билан Бюл-хилл кўчасида айланиб юриб, буталар орасидан кубокни топиб олибди. Шундан кейин, қарабсизки, Пиклз Британиянинг миллий фахри бўлиб қолди. Туриб-туриб кулгим қистайди. Бош министр Вильсондан ҳам, кино юлдузи Одри Хэпбёрндан ҳам кўпроқ шу кучукчанча тўғрисида ёзишади.

— Айтингчи, сизнинг исми-шарифингиз ҳақиқатан ҳам Кросбими?

— Бунисини билиш шунчалик зарурми, мистер Чэпмен?

— Йўқ, унчалик эмас. Лекин, керак-да, биласизми, ҳикоянгизнинг мантиқий хулосаси сифатида яна бир далил бўлса зарар қилмас эди.

— Буни сўрашингизни ўзим ҳам кутиб турувдим,— деди Кросби ва костюмининг чўнтагидан кичик пакет олиб, унинг қатларини оча бошлади.

Шу пайт редактор хонасининг ёнбош томонидаги эшиги очилди. Хонага газета ноширн — Чэпменнинг бошлиги кириб келди. Унинг ишораси билан Чэпмен магнитофонни ўчирди.

— Мен ҳаммасини эшитдим,— деди бошлиқ.— Хозирча айтганларингизнинг ўзи кифоя,. Мистер Кросби, бизга нимани кўрсатмоқчи эдингиз?

— Мен кубокдан ажратиб олинган ўша тағликнинг бир бўлагини олиб келгандим. Сэр, бу ўша «олтин маъбуда»дан олинган. Агар хоҳласангиз, текширириб кўришингиз мумкин.

— Жуда яхши, столга қўя қолинг... Энди, айтингчи, берган маълумотларингиз учун қанча пул ваъда қилишган эди?

— Икки юз фунт, сэр.

— Мистер Кросби, магнитофонга ёзилган гапларингизга икки оғиз қўшимча қилсангиз, яна икки ҳисса кўп пул оласиз.

— Мен... ҳаммасига розиман сэр.— Кросби дик этиб ўрнидан турди, икки қўлини ёнига беихтиёр туширди.

— Ўтиринг, ўтиринг, марҳамат... Ҳозир мен магнитофонни бураймаи, сиз бундай қиласиз. Чўнтакларингизга қаттиқ-қаттиқ уриб, бор овозингиз билан куласиз-да, «Чек менинг қўлимга тегди, жаноблар. Аммо сизларни боплаб чув туширидим! Ҳамма гапларим гирт ёлғон, уйқумда алаҳсираб кўрган тушларим эди» дейсиз.

— Лекин, сэр...

— Хўш, айтсангиз нима бўпти?

— Бу ахир туш эмаску, сэр.

— Туш эмас, денг-а? Сизга икки юз фунт ваъда қилишгани учун тушда кўрган билганларингиз ҳақиқат бўпти-қопти да? Ким ишонарди, сизга?

— Лекин... Бундай нарсалар тушимда эмас, ўнгимда бўлди, сэр.

— Яна қайтарипман. Ҳамма гапингизни туш деб тасдиқлайсиз-у, тўрт юз фунт оласиз. Хоҳлайсизми йўқми?

— Маъқул-ку, сэр. Тўрт юз фунт чакана пул эмаску-я!

— Ундоқ бўлса, гапни кўпайтириб ўтирманг. Бошладик!

Кросбининг ортидан эшик бекилгач, бошлиқ хозиргина унинг айтган сўзлари билан тўлган лента ўрамини магнитофондан олди-да, хотиржамлик билан портфелига жойлади.

— Ҳеч ким бу материални стенограмма тарзида ёзиб олишни ўйламасин,— деди у. — Энди ҳар эҳтимолга қарши иловасини ҳам олдик. Тағин бошқа редакцияга бориб алжираб юрмасин. Афтидан-ку, пулга ружу қўйган кишига ўхшамайди-я!

Чэпмен жимгина турар, атрофда содир бўлаётган воқеаларни ҳамон яхши тушуниб ета олмас еди. Бошлиқ редакторнинг ҳайратдан қотиб қолган чеҳрасига тикилиб қаради. Енига келди-да, кифти билан елкасига дўстона шапатилаб қўйди.

— Азизим, Чэпмен, гап юртимизнинг истиқболи ҳақида кетяпти. Ўйлайманки, чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрсангиз фикримизга қўшиласиз. Хўп, хайр. Хуш қолинг...

Чэпмен чиқиб кетаётган бошлиғининг орқасидан термулиб қолар экан, ўша қудратли лигаининг чиндан ҳам ҳар нарсага қурби етишига ҳаноат ҳосил қила бошлаган эди.

НАҲОТКИ ИККИТА КУБОК БЎЛСА?

Чэпмен соатига кўз қирини ташлади. Бақт тунги бир ярим бўлганди. Мана, бир соатки, у хаёллар оғушидан чиқа олмайди.

Бундан бир ой муқаддам, Кросби келиб-кетган куни нашриёт бошлиги унга бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини миянгидан чиқариб ташланг, деган эди. Нашриёт бошлиги ҳам бошқа одамлардек, бу ишни яхшиси унутиб юбориш зарурлигини ҳуш кўрувчилардан бири эканлигини Чэпмен яхши тушунганди. Чиндан ҳам ўша куни маъбуда ўгриси айтган гаплар, нинг ҳаммасини унутишга ўзини мажбур қилди.

Мана, бугун эса... Блетчлининг галати ахбороти шундоқ ҳам чигаллашиб ётган шароитни диаям чалкаштириб юборди. Чэпмен газета саҳифасини очди. Бўлдан бери бошини қотираётган сатрларни яна бир марта ўқий бошлади: «Мухбирлар, Англия терма командасининг ғалабаси сизни суюнтирдими, деб берган саволига. Блетчли, жуда хурсанд бўлганлигини айтган. Лекин,— деган у, — инглизлар капитанга ҳақиқий кубокнинг асли нусхаси тақдим қилинганида бундан ҳам шод бўлур эди».

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

...ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 4 БЕТ — «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

22 ДЕКАБРЬ, 1967 И. Р. 02410. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3088.